

# Ҳукуматнинг бойлиги, халқнинг мусибати

Ўзбекистонда 2014 йилги пахта терими мавсумида инсон  
ҳуқуқларининг бузилиши

---

Ўзбекистон-Германия инсон ҳуқуқлари форуми  
2015 йил, Апрель

---



## Резюме

Бир неча ўн йиллар давомида Ўзбекистон ҳукумати пахта етиштиришни қўллаб-қувватлаш мақсадида нафақат фахр, балки масъулият ҳиссини уйғотишга ҳам қаратилган «пахта – халқ бойлиги» шиоридан фойдаланиб келади. Амалдорлар баъзан жамоат ишларини бажаришни англатувчи «ҳашар» атамасидан фойдаланади. Бироқ ташвиқот Ўзбекистонда пахта етиштиришнинг даҳшатли воқелигини яширишга қодир эмас. Бу воқелик эса «халқ бойлиги»дан жуда йироқ. Пахта фақат ҳокимият тепасидаги бир ҳовуч амалдорларни бойитиш баробарида миллионлаб кишиларнинг қашшоқлашишига сабаб бўлади. Ҳукумат пахта етиштиришдан йилига бир миллиард доллардан ортиқ даромад қилади. Аммо бу иш пахта теришга мажбурланадиган, кўп ҳолларда эса меҳнат, транспорт ва ҳосилни йиғиб-териб олиш билан боғлиқ бошқа харажатлар учун мажбурий «бадал» ундириладиган миллионлаб кишиларни талаш ҳисобига амалга оширилади. Кишилар умум манфаати учун ўз вақти ва меҳнатини аямайдиган ҳашар ёки «жамоат ишлари»дан фарқли ўлароқ, пахта етиштириш ва йиғиб-териб олиш учун ҳукумат миллионлаб кишиларнинг мажбурий меҳнатидан фойдаланишга буйруқ беради.

2014 йилда Ўзбекистон ҳукумати таъмагирлик ва пахта терими учун мажбурий меҳнатга оммавий жалб этиш кўламини кенгайтди. Ҳукумат амалдорлари фермерларни пахта йиғим-терими бўйича давлат белгилаган нормани бажаришга мажбур қилди. Бутун мамлакат бўйлаб миллионлаб кишиларни пахта теришга ёки ҳосилни йиғишдан пора бериб озод бўлишга мажбурлади. 2014 йилда бу тизим янада кенгайди. Ҳукумат давлат сектори ходимларини аввалги йиллардагидан кўра кўпроқ сафарбар этди. Пахта йиғим-терими даврида икки ой давомида соғлиқни сақлаш ва таълим сингари асосий ижтимоий хизматлар кўрсатилишига тўсқинлик қилди. Ҳукумат хусусий иш берувчиларни ўз ходимларини пахта теримига жўнатиш ва уни қўллаб-қувватлаш учун мажбурий тўловлар тўлашга мажбур қилди.

Пахта далаларида давлат сектори ходимларини чиқариш кўпайгани пахта теришга мажбуран чиқариладиган болалар сони камайгани билан боғлиқ бўлиши мумкин. 2012 йилда амалга оширилган чора-тадбирлар давом эттирилгани сабабли пахта теримига жалб этилган болалар сони қисқартирилди. 2014 йилда коллежларнинг 16-17 ёшдаги биринчи ва иккинчи курс талабалари ва мактаб ўқувчилари пахта йиғим-теримига оммавий сафарбар этилмади. Шунга қарамай, ҳукумат учинчи курс талабалари, жумладан, кўплаб 17 ёшлиларни теримга жалб қилди. Айрим ҳудудларда, айниқса, теримнинг сўнгги ҳафталарида маҳаллий ҳокимликлар ўзларига давлат ҳокимиятининг марказий идоралари томонидан юклатилган нормаларни бажариш учун ёш болаларни жалб

этди. Ҳолбуки, бу органлар бир вақтнинг ўзида болаларни пахта теримидан озод этиш тўғрисида фармон чиқарган эди.

Ҳосил учун инсон ҳаёти билан юқори ҳақ тўланди. Пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш ва хавфли меҳнат ва яшаш шароити оқибатида камида 17 киши ҳалок бўлди, кўплар жароҳатланди. Бу аввалги йилларга нисбатан хавотирли ўсишдир. Мажбурий меҳнат машаққатлари, жумладан, камситиш, қарздорлик ва таҳдидлар тўрт кишининг ўзини ўзи ўлдиришига сабаб бўлди. Пахта терими пайтида ёки далалардан қайтиши биланоқ беш киши юрак хуружи ва соғлиғи билан боғлиқ бошқа муаммолар туфайли вафот этди. Транспорт ҳодисалари оқибатида бир неча киши ўлди, кўп одам яраланди. Теримчилар деярли дам олишларсиз ва дам олиш кунларисиз, тикилинч биноларда ва хавфсиз ичимлик сув таъминотисиз ҳаддан ташқари кўп ишлашга мажбур бўлди. Берилган овқат бир хил ва сифатсиз эди.

2014 йилда пахта ишлаб чиқаришда ҳамма жойда тизимли коррупция ҳукмрон бўлди. Бундан ташқари, тизим маҳаллий ҳокимият ва солиқ органлари, университетлар, коллежларнинг мансабдор шахслари, мактаб директорлари, пахта сектори амалдорларига алоҳида кишилар, муассасалар ва корхоналардан пул таъма қилишга ваколатлар бериб қўйди. Пахтадан олинадиган даромад миллий бюджетга келиб тушмаётган бир пайтда тизимнинг барча бўғинларидаги амалдорларнинг чўнтаги тартибсиз таъмагирилик ҳисобига тўлиб бормоқда. Корхоналар ва юридик шахслардан дала ишлари учун йиғилаётган мажбурий бадаллар, миллионлаб ишчиларнинг озиқ-овқат ва транспорт харажатлари учун тўловлари, шунингдек, нормани бажармаганлик учун жарима ва тўловлар ҳукуматни тартибга солинмаган ва хужжатлаштирилмаган ҳолда тўғридан тўғри улкан миқдорда субсидиялаш ҳамда Ўзбекистонда пахта етиштиришнинг ҳақиқий қийматини яширишга хизмат қилмоқда.

Мансабдор шахсларнинг бойиб бориши пахта секторида амалий ислохотлар ўтказишга қудратли тўсик яратмоқда. Коррупция Ўзбекистонда қонун устиворлигига раҳна солаётир ва ҳукумат мажбурий меҳнатдан фойдаланаётганини инкор қилаётган муҳитни рағбатлантираётир. Бу ерда инсон ҳуқуқларининг жиддий бузилишлари, жумладан, мажбурий меҳнат учун жазоланилмайди. Telia Sonera ва Telenor трансмиллий компаниялари 2014 йилда бадаллар тўлаш ҳисобига мажбурий меҳнат тизимини қўллаб-қувватлаганини очиқ-ошкора тан олди. Улар бадал тўлаш Ўзбекистонда бизнес юритишнинг зарурий шарти ҳисобланишини таъкидламоқда. General Motors компанияси хизматчилари эса улар яна пахта теримига жўнатилганини маълум қилди.

Ўзбекистонда пахта етиштириш дунёда ҳукумат томонидан қўллаб-қувватланадиган энг йирик мажбурий меҳнат тизимларидан бирига таянади. Бу тизим соғлиқни сақлаш, таълим ва бошқа ижтимоий хизматлардан фойдаланишга ғов бўлади ва коррупциянинг кенг тарқалишига хизмат қилади. Ўзбекистон-Германия форуми Ўзбекистон ҳукуматини пахта секторида зудлик билан фундаментал ислохотлар ўтказишга, Ўзбекистоннинг халқаро ҳамкорларини, жумладан, ҳукуматлар, ҳукуматлараро ташкилотлар, Ўзбекистонда ишлаётган трансмиллий компаниялар, шунингдек, халқаро молиявий ташкилотларни Ўзбекистонни шундай ислохотлар ўтказишнинг зарурлигига кўндириш учун ўз нуфузидан фойдаланишга чақиради.

### Инсон ҳуқуқлари

Ўзбекистонда мажбурий меҳнат кучли репрессия, инсон ҳуқуқлари бузилиши ва қўрқув муҳити чуқур илдиз отган ва кенг тарқалган шароитда қўлланилади. Ўзбекистондаги инсон ҳуқуқларига риоя қилиниши билан боғлиқ даҳшатли вазият ҳар доим дунёдаги энг ёмонлардан бири сифатида тан олинади. Мамлакатда қийноқлар кенг тарқалган ва тизимли равишда қўлланилади. Судлар мустақил эмас. Жиноятни адолатли суд қилиш тизимида ҳимоя жараёни ва унинг бошқа турлари мунтазам бузилади. Ўзбекистонда дин, суд, йиғилишлар ва бирлашмалар, шунингдек, бошқа асосий эркинликлар жиддий ва ҳаддан ташқари чекланган. Журналистлар, фуқаролик жамияти фаоллари ва ҳуқуқ ҳимоячилари таъқиб қилинади, кузатиб борилади, ишларига аралашилади, айрим вазиятларда эса озодликдан маҳрум этилади, шафқатсиз муомала ва қийноқларга дучор бўлади. Ҳукумат идоралари ҳуқуқ ҳимоячилари ва журналистларга чиқиш визалари беришни кўп бора рад этиб, уларнинг хорижга чиқишига тўсқинлик қилди.

Сўнгги ўн йилда Ўзбекистон мустақил текширувлардан ўзини янада кучлироқ ихоталади ва дунёдаги энг ёпиқ давлатлардан бирига айланди. Ҳукумат кўп йиллардан бери мониторинг ва текшириш бўйича мустақил халқаро механизмлар билан ҳамкорлик қилишдан бош тортиб, халқаро ташкилотларнинг тавсияларини рад этмоқда ёки бажармай келмоқда. 2014 йил ҳолатига кўра, Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инсон ҳуқуқлари бўйича 11 махсус кузатувчисининг таклифига жавоб бермади. Бу эса дунёдаги энг ёмон кўрсаткичлардан биридир. 2013 йилда биринчи марта ҳукумат ҳосил йиғим-терими вақтида Халқаро меҳнат ташкилотининг чекланган миссиясини қабул қилди, 2014 йилда эса “Муносиб меҳнат борасидаги мамлакат дастурини” имзолади. Шунга қарамай, ҳукумат пахта етиштириш соҳасида мажбурий меҳнатдан фойдаланилаётганини қатъий рад этмоқда.

2014 йилда ҳукумат пахта етиштиришда мажбурий меҳнатдан фойдаланилаётганини текшириш ёки хабар беришга уринган фаоллар ва журналистларни таъқиб ва таҳдид қилиш, кўрқитиш ва зўрлик билан ушлаб туришни давом эттирди. Жумладан, ҳокимият вакиллари пахта далаларида меҳнат қонунчилигининг бузилишини ҳужжатлаштиришга уринган Ўзбекистон ҳуқуқ ҳимоячилари альянси раҳбари Елена Урлаевани икки марта ҳибсга олди. Милиция унинг камераси ва ҳужжатларини мусодара қилди, ечинтирган ҳолда тўла шахсий текширувдан ўтказди ва бир неча соат давомида ушлаб турди. 2014 йилги пахта йиғим-терими даврида инсон ҳуқуқлари бузилиши ҳолатларини ҳужжатлаштиргани учун жиззахлик ҳуқуқ ҳимоячиси Ўктам Пардаевга маҳаллий милиция ва махсус хизматлар таҳдид қилди. 2014 йил октябрь ҳосилни йиғиб-териб олиш масалаларига бағишланган йиғилишда Жиззах вилояти ҳокими Пардаевни очиқ-ошқора «Ватан хоини» деб атади.

### **Мухим тавсиялар:**

#### **Ўзбекистон ҳукуматиغا**

- Мустақил инсон ҳуқуқлари ташкилотлари, фаоллар ва журналистларга пахта етиштириш секторидаги шарт-шароитларни текшириш ва ёритиш учун, Халқаро меҳнат ташкилотига Иш берувчилар халқаро ташкилоти (ИБХТ), Касаба уюшмалари халқаро конфедерацияси (КУХК), шунингдек, маҳаллий фуқаролик жамиятининг мустақил гуруҳлари иштирокида меҳнат амалиётини текшириш ва мониторинг қилиш учун ҳеч қандай тўсиқларсиз имконият яратиб берсин.
- Пахта секторини, жумладан:
  - мажбурий ва болалар меҳнатидан фойдаланишни тақиқловчи миллий қонунларни жорий этиш ҳамда қонун бузилиши ҳолатларини таъқиб қилиш;
  - даромад ва харажатларнинг молиявий шаффофлигини таъминлаш;
  - ҳосил етиштириш ва йиғиб-териб олишдаги мажбурий нормаларни ҳамда нормани бажармаган фермерлар учун жарималарни бекор қилиш;
  - харид нархларини ошириш ва уларни либераллаштириш, охиروқибатда кишлок хўжалиги ишлаб чиқариши ва пахта сотиш бозорларини монополиядан чиқариш орқали ислоҳ қилсин.
- БМТ Инсон ҳуқуқлари кенгашининг махсус процедураларига мамлакатга кириш имконини тақдим этсин ҳамда БМТнинг Куллиқнинг замонавий турлари бўйича махсус маърузачисига таклифнома берсин.

### **Халқаро меҳнат ташкилотига**

- Ўзбекистон ҳукумати учун аниқ йўналишлар белгиласин, мамлакат ХМТнинг асосий меҳнат конвенцияларини амалга ошириш бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларни қандай бажараётгани юзасидан мониторинг ва ҳисобот юритсин. Бу 2014 йилдан бошлаб пахта секторига болалар ва катталарнинг мажбурий меҳнатини бутунлай тақиқлашни ўз ичига олади.
- ИБХТ ва КУХКнинг Ўзбекистонда мониторинг ўтказиш ва техник ёрдам кўрсатиш бўйича барча тадбирларни ташкил этиш ва ўтказишдаги иштирокини таъминласин ҳамда Ўзбекистон фуқаролик жамиятининг мустақил гуруҳлари билан мунтазам маслаҳатлашувлар ўтказсин.
- Ўзбекистонда энг асосий меҳнат стандартларига тааллуқли хулосалар, тадбирлар ва тавсиялар ҳақидаги ҳисоботларни кенг жамоатчиликка тақдим этсин.

### **Америка Қўшма Штатлари ва Европа Иттифоқига**

- Ўзбекистон ҳукумати пахта етиштиришда мажбурий меҳнатдан фойдаланишни тўла бекор қилмагунга қадар ўзбек пахтасини Имтиёзлар умумий тизими доирасидаги савдо имтиёзлари тизимидан чиқарсин.
- Ўзбекистон ҳукуматининг мажбурий меҳнат тизимига хизмат қиладиган инвестицияларнинг олдини олиш учун Жаҳон банки ҳамда Европада тикланиш ва тараққиёт банкида «voice and vote» тамойилини қўлласин.
- Халқаро ва миллий қонунларни бузган ҳолда мажбурий меҳнатдан даромад кўрадиган ёки уни рағбатлантирадиган компанияларни аниқласин ва уларни таъқиб этсин.
- Тараққиётни икки томонлама молиялашнинг шарти сифатида Ўзбекистон ҳукуматидан пахта етиштириш соҳасида молиявий шаффофлик ва ҳисобдорликни таъминлашни талаб қилсин. Лойиҳалар ишлаб чиқиш ва мониторинг қилиш жараёнида фуқаролик жамиятининг мустақил гуруҳлари билан ҳамкорлик қилсин.
- Амалий ислохотлар жорий этилмагунча ва мажбурий меҳнат тўла йўқотилмагунча ЕИ ва Ўзбекистон ўртасидаги Текстиль протоколини имзоласин.

### **Жаҳон банки ва Осиё тараққиёт банкига**

- Лойиҳавий кредитлар беришнинг шарти сифатида Ўзбекистон ҳукуматидан пахта етиштириш соҳасида молиявий шаффофлик ва ҳисобдорликни таъминлашни талаб қилсин ва эришилган натижалар ҳақида кенг жамоатчиликка ҳисобот берсин.

- Лойиҳаларда, жумладан, шикоят бериш ва уни кўриб чиқиш тизимида асосий меҳнат шартномаларига риоя қилинаётгани юзасидан четдан ишончли ва мустақил мониторинг ўтказилишини кафолатласин, агар лойиҳаларда мажбурий меҳнатдан фойдаланилаётган бўлса, лойиҳаларни молиялашни дарҳол тўхтатсин.

#### **Ўзбекистон ҳудудида фаолият юритаётган халқаро компанияларга**

- Пахта йиғим-терими учун ходимлар жўнатиш, пул ёки бошқа воситалар тақдим этиш тўғрисидаги талабларни рад этсин ва шу каби талаблар ҳақида кенг жамоатчиликни ва компания жойлашган мамлакат ҳукуматини хабардор қилсин.
- Компаниянинг Ўзбекистондаги фаолияти ва таъминот занжирини мониторинг қилиш бўйича мустақил дастур ишлаб чиқсин ва бу борада очиқ-ошкора ҳисобот берсин.
- Ўзбекистон ҳукуматига қарши мавжуд барча таъсир чораларидан фойдаланилгандан кейин ҳам мажбурий меҳнат бекор қилинмаса, Ўзбекистонга инвестиция киритишдан воз кечсин. Инвестиция киритиш фақат мажбурий меҳнат бекор қилингандан кейингина давом эттирилишига аниқ ишора берсин.

#### **Пахтадан фойдаланувчи компанияларга**

- «Ўзбекистон ҳукумати пахта тармоғида болалар ва катталарнинг мажбурий меҳнатидан фойдаланишни бекор қилмагунча ўз маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун ўзбек пахтасидан фойдаланмаслик тўғрисида»ги пахта мажбуриятини имзоласин ва амалга оширсин.